

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2025 йил сентябрь ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди Қарши шаҳар “Кунчиқар” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида раислик қилувчи суд раиси Б.Диёров, судья ёрдамчиси О.Ҳамидовнинг котиблигида, давлат айбловчиси Қарши шаҳар прокурори катта ёрдамчиси А.Юлдошев, фуқаровий даъвогар А.Алмардонов, ҳимоячи-адвокат Х.Мухаммадиев, судланувчи М.Усмонованинг иштирокида 1-1801-2501/548-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Усмонова Мохинур Икром қизи (Usmonova Moxinur Ikrom qizi) – 1998 йил 12 март куни Қарши шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, турмушга чиқмаган, илгари судланмаган, «Ўзбекистон почтаси» АЖ Қашқадарё филиали, Қарши ПАБга қарашли Қаарши 11-алоқа бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган, ҳозирда вақтида ишсиз, Қарши шаҳар «Хужа-хиёл» МФЙ, Шарқ кўчаси, 14-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 2 сентябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи М.Усмонова 2024 йил 5-январь кунидан бошлаб “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали Қарши почта алоқа боғламаси Қарши-11 алоқа бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келиши давомида, лавозим йўриқномасида иш куни давомида қабул қилинган тўловлар суммаларини иш куни якунида автоматлаштирилган тўлов тизимидан олинган маълумотлар билан солиштириши, 130-шакл кундалик дафтарига киримда ёзиб, касса ҳисоботини чиқариши шартлиги кўрсатилган бўлсада, ушбу вазифаларни қонунчиликка мувофиқ бажармасдан, жамият маблағларини телеграмм akkaунтидан очилган компьютер уйинларига тикиш орқали моддий манфаат кўриш мақсадида, 2025 йил 30 апрель куни “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг “AVVAL” электрон дастурий таъминотга ўзига бириктирилган логин ва пароль орқали кириб, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали ҳисоб рақамидаги пул маблағларни ўзининг номида бўлган пластик карта рақамига 4.700.000 минг сўм, Р.Кимсанбаевнинг пластик карта рақамига 52.630.000 сўм, И.Акбаровнинг пластик карта рақамига 186.100.000 сўм ва унинг номидаги



иккинчи пластик карта рақамига эса 30.000.000 сўм, жами 273.430.000 сўмни ўтказиш орқали ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни растрата қилиш орқали талон-торож қилган.

Судланувчи М.Усмонова ўзининг ушбу жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” бандида кўрсатилган жиноятларни содир қилган.

Судланувчи М.Усмонова тергов органи томондан қўйилган айбловларга қисман иқрорлик билдириб, у 2024-йил 5-январдан бошлаб эса Қарши ПАБга қарашли Қарши 11-алоқа бўлим бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келаётганини, унинг телеграмм ижтимоий тармоғининг шахсий хабарнома қисмига “Манагер” номли телеграмм akkaунтидан “CHERRY” номли катта савдо фирма маркази очилганлиги ҳақида хабар йўллаганини, ушбу хабарда, “Манагер” akkaунтидан “агар сиз бизнинг янги очилган “CHERRY” катта савдо фирмаси марказида эълон қилинган товарларга реакция билдириб, расмини ташласангиз сизнинг ҳисобингизга 20.000 сўм миқдорида пул сўммаси ташлаб берилади”-деб айтганини, шундан сўнг, у ушбу товарларга лике босиб, ушбу босилган реакциядан нусха олиб, “Манагер” akkaунтига ташлаб берганида, унинг ҳисоб рақамига 20.000 сўмни ташлаб берганини, эртаси куни эса 2025 йил 30 апрель куни “Манагер” akkaунтидан унга соат 13:00 да “CHERRY” фирмасининг телеграмм каналида соат 13:30 да конкурс ўйини борлигини билдириб хабар йўллаганини, шундан сўнг, у ўзининг шахсий уяли алоқаси орқали ушбу “CHERRY” фирмаси конкурсига ўзлари томонидан яратилган дастур орқали ушбу ўйинга қўшилганини, “Манагер” akkaунти унга товарлар расмини ташлаб, товарни сотиб олиш учун пул кирим қилишини айтганини, ҳисоб рақам ташлаб кирим пул кирим қилишини, ушбу сотиб олинган товар сотувга чиққандан сўнг у тўлаган сўмманинг 20% қўшимчаси билан 8-20 дақиқа ичида қайтариб ташлаб беришлигини айтганини, кейин эса у ташлаб берган ҳисоб рақага ўзи ишлайдиган “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали Қарши ПАБга қарашли Қарши 11-алоқа бўлим почтаси иш фаолиятида фойдаланиб келадиган унга бириктирилган шахсий компьютернинг “Аввал” дастуридан ўз логин пароли орқали кириб, 1.480.000 сўмни ўтказиб берганини, улар у ташлаб берган пул сўммалари миқдори кўпайтирилган ҳолда бир икки маротаба ташлаб берганини, конкурс ўйинини давом эттириб, шундан сўнг, у улар ташлаган ҳисоб рақамга “Аввал” дастури орқали 37 маротаба пул ўтказмаларини амалга оширганини, у ташлаб берган пул сўммалари миқдори кўпайтирилган ҳолда бир икки маротаба ташлаб бериб, шундан кейин бошқа пул ўтказмаларини амалга оширмаганини, ушбу 37 маротаба ўтказган пул сўммалари жами миқдори 273.430.000 сўмни ташкил қилганлигини “Аввал” дасури ҳисоб рақамидан ечилганини билганини, орадан 20-30 дақиқалар ўтишига қарамасдан улар томонидан у ўтказиб берган сўмма миқдорларини айтилган шарт бўйича қайта ташлаб бермаганини, унинг ёзган хабарларига эса қайтиб жавоб бермаганини, шундан сўнг, у тегишли давлат органига бориб мурожаат қилганини, ҳозирги кунда унинг оила аъзолари томонидан етказилган барча зарарлар тўлиқ қоплаб берилганини, фуқаровий даъвогарнинг унга нисбатан



даъвоси йўқлигини, содир қилган жиноий ҳаракатидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, судланмаганлигини, аёл киши эканлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи М.Усмонованинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганлиги, ўзининг юқорида баён қилинган қисман иқрорлик кўрсатувидан ташқари, қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тасдиғини топади.

Фуқаровий даъвогар А.Алмардонов судда, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали директори ўринбосари почта хавфсизлиги хизмати инспектори вазифасида ишлашини, М.Усмонова “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали Қарши почта алоқа боғламаси Қарши-11 алоқа бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келиши давомида мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда жуда кўп миқдордаги жамият маблағларини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини қуйидаги вақт, усул ва шароитда қасддан содир этганини, хусусан, М.Усмонова 2024 йилнинг 5-январь кунидан бошлаб, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали Қарши почта алоқа боғламаси Қарши-11 алоқа бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келиши давомида, лавозим йўриқномасида қайд этилган вазифаларни қонунчиликка мувофиқ бажармасдан, жамият маблағларини ўзлаштиришни режа қилиб, ушбу режани амалга ошириш мақсадида, 2025 йилнинг 30 апрель куни “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг “AVVAL” электрон дастурий таъминотга ўзига бириктирилган логин ва пароль орқали кириб, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали ҳисоб рақамидаги пул маблағларни ўзининг номида бўлган пластик карта рақамига 4.700.000 минг сўм, Р.Кимсанбаевнинг номидаги пластик карта рақамига 52.630.000 сўм, И.Акбаровнинг номидаги пластик карта рақамига 186.100.000 сўм ва иккинчи пластик рақамга эса 30.000.000 сўм, жами 273.430.000 сўмни ўтказиш орқали ўзлаштирганини, ҳозирги кунда АЖга етказилган зарарни бир қисми жамият ҳисоб рақамига тўланганини, қолган қисми судланувчи томонидан прокуратуранинг депозит ҳисоб рақамга тўланганини, унинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилиб, прокуратуранинг депозит ҳисоб рақамига тўланган зарарни “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг ҳисоб рақамга ўтказишни сўради.

Гувоҳ Бўриева Нигора судда, судланувчини танишини, у “Ўзбекистон почтаси” АЖ филиали Қашқадарё филиали Қарши почта алоқаси боғланмаси бошлиғи вазифасида ишлашини, раҳбарлик қиладиган почта алоқа боғламасида, яъни Қарши шаҳар почта бўлимида 10 та бўлим мавжудлигини, бўлиб, ушбу бўлимларнинг ҳаммасининг вазифалари турлича, хусусан, М.Усмонова Қарши шаҳар почта алоқаси боғламаси Қарши 11 алоқа бўлими бошлиғи вазифасида ишлашини, унинг вазифасига 2 та дастур юклатилган бўлиб, ушбу дастурларнинг биринчиси “Шепокс” дастури, иккинчиси “Аввал” дастури. “Шепокс” дастури – хат хабар ва почта жўнатмалари бўйича ишлайдиган дастур эканини, “Аввал” дастури – барча турдаги тўловларни қабул қилиш учун ишлайдиган дастур эканини, ушбу дастурларни М.Усмонова ўзига бириктирилган логин ва пароллар билан бошқарганини, аввал дастури тизимига солиқ тўловлари, коммунал



тўловлар ва ЙҲХ жарималари, пластик карта тўлдириш хизмати, телефонларга пул ташлаш, пул жўнатмаларини қабул қилиш ва бошқа турдаги тўловлар ва йўриқномада кўрсатилган бошқа вазифалар киради. Мазкур дастур бўйича пул тушумларини қабул қилиш ва бош кассага йўналтириш алоқа бўлими бошлиғи вазифасига кириб, бош ҳисобчи назорат қилишини, 2025 йилнинг 21 кунидан бошлаб, Қарши 11-алоқа бўлими бошлиғи Усмонова Моҳинур касаллик варақасига чиққанлигини маълум қилганини, шу куни, М.Усмоновага телефон қилиб, барча ҳужжатлар ва калитларни топшириб кетиш кераклигини айтилганда, шифохонада ётганлигини маълум қилганини, 2025 йилнинг 30-апрель куни раҳбариятни огоҳлантирмасдан ўзбошимчалик билан тушликдан кейин келиб ишлаганини, шу куни ўзлаштирган камомад юзасидан бош ҳисобчи Ш.Шакарров соат 19:30 ларда телефон орқали хабар қилганини, эртаси куни ишхонага бориб, вазият бўйича тўлиқ хабардор бўлганини, унга маълум бўлишича, М.Усмонова аввал дастури орқали карта тўлдириш хизматидан тушган пул маблағларини бош кассага топширмасдан, алдов қурбони бўлиб, ўзи танимаган кимсаларнинг пластикларига аввал тизимдаги пул маблағларини ўтказиб берганидан хабар топишганини баён қилди.

Бундан ташқари судланувчи М.Усмонованинг айби “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиалининг Қарши шаҳар прокуратурасига йўлланган мурожаат хати, Қарши 11-сонли алоқа бўлимида ўтказилган тафтиш далолатномаси, хизмат текширувчи хулосаси, М.Усмонова билан жамият ўртасида тузилган моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома, тушунтириш хатлар, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишидаги бошқа ёзма далиллар билан ўз тасдиғини топади деб суд ҳисоблайди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчига қўйилган айб квалификациясини муҳокама қилиб, М.Усмонова моддий жавобгарлигида бўлган пул маблағини бошқа шахсларга тегишли пластик карта рақамига ўтказиб, пулни электрон тарзда очилган уйинга тикиб, растрата қилганликдан иборат ҳаракати ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

-8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг



жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида 5-бандида эса, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамитдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги, қонун нормаси санкциясида алтернатив жазолар мавжуд бўлганда ҳукмда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони қўллаш зарурлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи М.Усмоновага нисбатан жазо белгилашда илгари судланмаганлигини, аёл киши эканлигини, етказилган зарарлар қопланганлигини, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини, айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида, оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини қайд этгани ҳолда жазо тайинлашни, унга нисбатан ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан жиноятни хизмат вазифаси ва фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этганлигини эътиборга олиб, ЖК 45-моддасини қўллаб, давлат ташкилотларида моддий жавобгарлик вазифаларида ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, қонун санкцияси доирасида иш ҳақининг маълум фоизини давлат даромадига ушлаб қолгани ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, тайинланган жазо ижросини назорат қилишни Қарши шаҳар ИИО ФМБ пробацция бўлими ходимлари зиммасига юклатишни, жазони ўташ муддатини М.Усмонова корхона муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблашни, унинг эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланган кунларини ЖКнинг 62-моддасига асосан чегиришни, тайинланган асосий ва қўшимча жазоларни алоҳида-алоҳида ижро қилишни, эҳтиёт чораси муносиб-хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхатни ҳукм қонуний кучга кирган кундан бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек суд етказилган зарарлар ва ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, фуқаровий даъвогарнинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги қайд этишни, судланувчи томонидан етказилган зарарни қоплаш мақсадида Қашқадарё вилоят прокуратурасининг ОАТ “Алоқа банк”даги депозит ҳисоб рақамига



тўланган 223.580.000 сўми “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиалига ўтказишни, ёзма далиллардан – “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиалининг 2025 йилнинг 1 май кунидаги 39-08/98-сонли хати ва унга илова қилинган ҳужжатлар, Қарши почта алоқаси боғламаси тизимидаги Қарши 11 сонли алоқа бўлимида ўтказилган хизмат текширув далолатномаси, 30.04.2025-30.04.2025 йилдаги банк хизматлари варақаси, 2025 йилнинг 16 август кунидаги тафтиш далолатномасини жиноят ишига қўшилганлигини қайд этишни лозим топди.

Юқорида баён қилинганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг 454-457, 458, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 474-моддалари қўлланиб, суд -

### Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Судланувчи Усмонова Мохинур Икром қизи - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилсин.

Судланувчи М.Усмоновага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил давлат ташкилотларида моддий жавобгарлик вазифаларида ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолгани ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлансин.

М.Усмонованинг эҳтиёт чораси тариқасида қамокдан сақланган кунлари 3 (уч) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 9 кунига ҳисобланиб, ЖКнинг 62-моддасига асосан тайинланган жазодан чегирилиб, ўташ учун 1 (бир) йил 11 (ўн бир) ой 21 (йигирма бир) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

ЖКнинг 62-моддасига асосан тайинланган асосий ва қўшимча жазолар алоҳида-алоҳида ижро қилинсин.

Тайинланган жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин. Жазо муддати у корхона, муассаса ёки ташкилотларда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин. Жазо ижроси Қарши шаҳар ИИО ФМБ пробация бўлими ходимлари зиммасига юклатилсин. Унга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ўтказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, фуқаровий даъвогарнинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги қайд этилсин;

Қашқадарё вилоят прокуратурасининг ОАТ “Алоқа банк”даги депозит ҳисоб рақамига тўланган 223.580.000 (икки юз йигирма уч миллион беш юз саксон миллион) сўм пул “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали ҳисоб рақамига ўтказилсин;



Ёзма далил – “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиалининг 2025 йилнинг 1 май кундаги 39-08/98-сонли хати ва унга илова қилинган ҳужжатлар, Қарши почта алоқаси боғламаси тизимидаги Қарши 11 сонли алоқа бўлимида ўтказилган хизмат текширув далолатномаси, 30.04.2025-30.04.2025 йилдаги банк хизматлари варақаси, 2025 йилнинг 16 август кундаги тафтиш далолатномаси жиноят ишига қўшилганлиги қайд этилсин.

Ҳукмдан норози томон, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва фуқаровий даъвогар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят келтиришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья

Б.Диёров

